



ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 246 (9492).

1988 йил 23 декабрь • жума • Баҳоси 3 тийин.



ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ОЛДИНГИ САФИДА БЎЛАЙЛИК

Мамлакатимизда авж олган қайта қуриш барча партия ташкилотлари олдига ўз авангардлик ролин қандай йўллар билан амалга оширишлари керак деган масалани кўндаланг қўйди. Ана шу асосий масалани пойтахт облатининг 182 мингдан ортиқ коммунистлари қай тарзда адо этаётганликлари бугунги иш бошлётган XXIII Тошкент облатининг партия конференциясида кўриб чиқилди, партия ташкилотларининг бундан бўёнги вазифалари белгилаб берилди.

Авалги конференциядан бўён ўтган қарийб уч йил давомида КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми, партиянинг XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларини бевоқиф амалга оширишнинг янги-янги вазифалари пайдо бўлди.

Бу йиллар облатининг партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари учун қизгин, масъулиятли, янгилик ва миқёслари жиҳатдан мислисс давр бўлди. Унинг моҳияти — сиёсий ва иқтисодий ҳаётини демократизациялаштириш, ҳўжалик йўришнинг янги методларини жорий этиш ва ишлаб чиқаришнинг мушаккал бошқаришга ўтиш, социал соҳани устуни даражада ривожлантириш, идеология соҳасидаги ишларимизни янгилашдан иборатдир. Ана шундан келиб чиқиб, облатининг партия комитети сиёсий раҳбарлигининг бир мунча самарали форма ва методларини излаб топиш, партиянинг бошланғич ташкилотлари ролин ошқиниш, уларни меҳнат коллективларининг чинакам жанговар негизига айлантиришга ҳарakat қилди. Янги шароитда коммунистларнинг активлиги ва етуқлиги ортиб бораётганлиги намойён бўлмоқда, уларнинг революцион қайта ўзгаришларидеги кўндаланг иштироки кўчарётди. Бунинг облатининг шаҳар ва районларда бўлиб ўтган ҳисобот-сўзлов йиғилишлари, партия конференциялари яна бир бор кўрсатди.

Ташкилий, иқтисодий ва идеология тадбирлар қўшиб олиб борилиши инсон омилнинг бир мунча фаоллашуви, облатининг социал-иқтисодий тараққиётида юрбий силжишларга олиб келди. Утган даврда саноат маҳсулотининг бутун ўсишига меҳнат уюмдорлигини ошқиниш ҳисобига эришилди. Олий сифат категорияли буюмлар салмоғи 1,5 баравар кўпайди. Облатининг давлатга патта, сабзавот, гўшт, сут сотиш уч йиллик топширқларини бакарди. Коллектив, олма ва икарра лудратлари жорий этилиши туфайли аграр комплексининг рентабеллиги ўсди. Меҳнаткашлар турмушини яхшилаш, аҳолига хизмат кўрсатувчи соҳаларни ривожлантириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мушаккаллаш борисда Тошкент облатининг партия ташкилотининг ишдаги жиндий камчиликлари тўғрисидаги қарори ҳисобат даврида партия ташкилотлари фаолиятини яхшилашнинг муҳим воситаси бўлди. Ана шу тарихий қарор асосида коммунистларнинг иқтисодий-сиёсий аттестациясини ўтказиш бошланди. Шу кунгача 40 мингдан ортиқ коммунистлар билан алоҳида-алоҳида сўзбат қилинди. Коммунистларнинг ҳар сикиси нафардан бери аттестациядан шартли равишда ўти, мингдан ортиқ коммунист бу синодан ўтолмади. Партия ташкилотлари ўз сафларини КПСС Уставни талабларига жавоб бераётганлик, пассив коммунистлардан, ўзини обрўсизлантирган, мансабининг суньестемол қилган, партияга гаразли мақсадларда кириб қолган шахслардан қатъий равишда тозаломоқда. Партияга танлаб олиниши икки йиллик системаси жорий қилинганлиги ҳам КПСС Марказий Комитетининг қарорини бакарди. Лекин Олмалик шаҳри, Тошкент, Халса районларида коммунистлар аттестацияси етарли даражада принципаллик ва самара билан олиб борилмапти. Раҳбар коммунистларни бошланғич партия ташкилотларини чеклаб ўтиб жазолаш қоллари ҳамон учрайди. Сайлаб қўйилмаган партия актив, жамоат ташкилотларининг роли етарли даражада оширилмапти.

Очқик эътироф этиш керакики, умуман шаҳар ва район партия комитетлари ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг сиёсий, ташкилотчилик иши самияс ҳали қайта қуриш талабларига тўла жавоб бераёлмади. Уларнинг фаолиятида намуруричилик, расмиятчилик, қўғозболлик барҳам берилмаган. Қабул қилинган қарорларнинг ижроси етарли назорат қилинмайдиган, раҳбарлигининг сиёсий усуллари сунь ўзлаштирилмоқда. Кўнгина партия, совет, ҳўжалик раҳбарлари иқтисодий ислохотини амалга оширишга, ошқоралик ва демократия шароитида ишлашга тайёр эмасликлари кўриниб қолди. Ҳўжаликни йўришнинг янги шароитларига шай эмасликлари туфайли «Средазкабель», «Средаэлектрорепарат» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Олмалик кон-металлургия комбинати сингари бир қатор саноат корхоналари, қўйин молиявий аҳолига тушиб қолдилар. Уларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари паясий кетди.

Саноатни интенсификациялаштириш, турар-жой ва озиқ-овқат муаммоларини ҳал этиш, халқ истеъмолчи буюмларини кўпайта ишлаб чиқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш юзасидан белгиланган комплекс программаалар сунь бакарилмоқда. Облатининг саноат ишлаб чиқариш ҳажмларини ўстириш беш йиллик топширқининг бакармапти, ҳар тўрт корхонадан бири маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини уудалла олмайпти. Фонд самараси каямайб кетмоқда.

Озиқ-овқат программасини бакарриш борисдаги ишлар ҳамон энг оғир ва ўткир муаммолардан қолаётди. Ҳозирги кунда ҳар бир партия ташкилоти, коммунист раҳбарининг ишига бу масалани қандай ҳал этишгани, қандай конкрет натижага эришганлиги қараб баҳо берилишини унутмаслик керак. Аграрсаноатта раҳбарлик қилишда эскича усул ва ёндашуларга, сабзавотчилик ва боғдорчилик индустрия даражаси тармоқ сифатида ўтишга барҳам берилмас экан, чорваччилик партиянинг эътибордан четда қолаётган экан, бу муаммони ижобий ҳал этиб бўлмайди.

Яқин келажакда Янгийўл, Чиноз, Урта Чирчиқ, Коммунист районлари мева-сабзавот, картошка, узум, гўшт, сут етиштиришга, Бўстонлик, Паркент, Оҳангарон районлари эса мева ва узум етиштиришга иқтисодлаштирилиши мўлжалланмоқда. Лекин бугунча сабзавоткор районлар партия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари мавжуд резервларини ишга солишлари, қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришнинг интенсификация тубдан ўтишини таъминлашлари, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эътиборни қондиришлари керак.

Давр идеология ишдаги расмиятчилик ва умунийлик, «ялпи» ёндашушларга барҳам беришни тақозо этмоқда. Лекин ҳамон одалар билан изчил равишда яна тартибда ишлашдан кўра омавий тадбирларни ташкил этишга кўп ома ва маблағ сарф бўлмоқда. Ватанпарварлик, интернационал, ақлоқий, атеистик тарбияга янгича ёндашушлар ишлаб чиқилгани йўқ. Ижодий эришлар билан муайян мақсадга йўналтирилган ишларни ташкил қилишга муваффақ бўлинмади. Натижада уларнинг маълум қисми орасида қайта қуриш руҳига мос келмайдиган қарашлар намойён бўлмоқда. Кейинги вақтда Тошкентда ёшлар, экиллар орасида пайдо бўлган айрим норасий кичик гуруҳлар ва уларнинг демократия инқиби остидаги ўринсиз хатти-ҳаракатлари ана шундан далолат беради. Халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихини нотўғри кўрсатишга уринаётган, шубҳа ва инфок туғдираётганларга нисбатан ишончли зарба бериш лозим.

Шубҳасиз, облатининг конференцияси делегатлари қилинган ишнинг тахлил этиб, эришилган ютуқлар, йўл қўйилган хато ва нуқсонларга принципаллик билан оқилона баҳо берадилар. Дўстона, чинакам партиявий мунозара асосида конференция ишлаб чиқарган йўл-йўриқлар, унинг қарорлари облатининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари олдига турган қайта қуришнинг катта ва мураккаб вазифаларини ҳал этишда асосий йўналишини белгилаб беради.



Қайта қуришнинг олдинги сафларига келаятган энг актив коммунистлар XXIII Тошкент облатининг конференциясига делегат этиб сайланганлар. Улар бугун КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларини рўйбга чиқариш бўйича бакарилган ишларни тахлил қилдилар, қайта қуришнинг янада жадаллаштириш, демократия ва ошқоралик кенгайтиришга ёрдам берувчи тақлифларни ўртага ташлайдилар. Конференциянинг ишчанлиги, танқид ва ўзини танқид руҳида ўтишига барча делегатлар ўз ҳиссаларини қўйиш ниятидадилар. СУРАТЛАРДА: конференция делегатларини рўйхатга олиш пайти; делегатларнинг бир гуруҳаси.

раликни кенгайтиришга ёрдам берувчи тақлифларни ўртага ташлайдилар. Конференциянинг ишчанлиги, танқид ва ўзини танқид руҳида ўтишига барча делегатлар ўз ҳиссаларини қўйиш ниятидадилар. СУРАТЛАРДА: конференция делегатларини рўйхатга олиш пайти; делегатларнинг бир гуруҳаси.

А. Зуфаров фотолари.



ҚУТЛОВ ВА ТИЛАК

Бугун ўз ишини бошлётган XXIII Тошкент облатининг партия конференциясида барча қатори ветеранлар ҳам кўп нерса кутишпти. Конференция муҳокамасига қўйилётган масалалар қамрови ниҳоятда кенгдир. Бу беиз эмас. Қайта қуриш, демократия ва ошқоралик даврида жуде кўп муаммолар сунь юзига қилиб чиқаяпти. Улар конференцияда чуқур тахлил этилиши ва зарур тадбирлар белгилиниши лозим.

КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир коммунистнинг ташаббус кўрсатиб ишлаши, мушаккал ҳаракат қилиши учун кенг имкониятлар очди. Партиявий ишнинг қайта қуриш туфайли буйруқболлик, қўғозболлик, бюрократизм барҳам топмоқда. Ҳамма жойда ташаббускорлик, ишчанлик ва талабчанлик руҳи ҳукм сурапти.

Янги давр ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнат коллективининг ижодий активлигини ошқорамоқда. Экономика ва социал ҳаётда рўй бераётган ўзгаришлар қайта қуришнинг дастлабки самараларидир. Ҳисобот даврида инсон омил ролин ошқиниш, партиявий-ташкилий, етовий-сиёсий ишларни тақомиллаштириш бўйича бакарилган ишларга муносиб баҳо берилган ҳолда галдаги вазифалар аниқ белгилаб олинди, деб ўйлайми.

Конференцияда ошқоралик ва демократия, танқид ва ўзини танқид руҳи тўла ҳукмрон бўлмоғи, ҳар бир делегат дилидаги гапни очқ айтиши учун зарур шароитлар яратиб беришга лозим. Токи конференциянинг ҳар бир қатнашчиси хоҳ жойдан, хоҳ минбарда туриб бор гапни ҳеч кимдан ҳайқмай очқ айтсин, ортиқча ташкилотчилик ва рўйхатболликка ўрин қолмасин.

Тўғри гап гапирганларнинг таъзиққа учраган йиллари ёдидан ҳали кўтарилиши йўқ. У давр тарих учун қора саҳифа бўлиб қолди. Бугун эса бор гап банд овоз билан айтиладиган кун. Шундай экан, конференция минбаридан фақат ҳақиқат сўзи баралла янграмоғи керак.

Конференция ишига муваффақият тилайми.

Ақром АЛИМОВ,
Бурхон СИРОЖИДИНОВ,
Вали МУҲАМЕДОВ,
Ғани ҲУСАНОВ,
партия ветеранлари.

<p>СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАРМОНИ</p> <p>КОСМОНАВТ-УЧУВЧИ УРТОҚ М. Х. МАНАРОВАГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ Тўғрисида</p> <p>«Мир» орбитал илмий тадқиқот комплексига узоқ муддатли космик учини муваффақиятли амалга оширилгани ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун СССР космонавт-учувчиси Уртоқ Муза Хиромонович Манарова Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берили. Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медали топширилсин.</p> <p>СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ГОРБАЧЕВ.</p> <p>СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ. Москва, Кремль 1988 йил, 21 декабрь.</p>	<p>СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАРМОНИ</p> <p>КОСМОНАВТ-УЧУВЧИ УРТОҚ В. Г. ТИТОВГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ Тўғрисида</p> <p>«Мир» орбитал илмий тадқиқот комплексига узоқ муддатли космик учини муваффақиятли амалга оширилгани ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун СССР космонавт-учувчиси Уртоқ Владимир Георгиевич Титовга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берили. Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медали топширилсин.</p> <p>СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ГОРБАЧЕВ.</p> <p>СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ. Москва, Кремль 1988 йил, 21 декабрь.</p>	<p>СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАРМОНИ</p> <p>РЕСПУБЛИКАСИ ГРАЖДАНИ ТАДҚИҚОТЧИ КОСМОНАВТ ЖАН-ЛУ КРЕТЬЕННИ МЕҲНАТ КИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ Тўғрисида</p> <p>«Мир» орбитал илмий тадқиқот комплексига узоқ муддатли космик учини муваффақиятли амалга оширилгани ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун Франция Республикасининг граждани тадқиқотчи космонавт Жан-Лу Кретьен Меҳнат Кизил Байроқ ордени билан мукофотлансин.</p> <p>СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ГОРБАЧЕВ.</p> <p>СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ. Москва, Кремль 1988 йил, 21 декабрь.</p>	<p>СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАРМОНИ</p> <p>РЕСПУБЛИКАСИ ГРАЖДАНИ ТАДҚИҚОТЧИ КОСМОНАВТ МИШЕЛЬ ТОННИНИНГ ХАЛҚЛАР ДўСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ Тўғрисида</p> <p>«Мир» орбитал илмий тадқиқот комплексига узоқ муддатли космик учини муваффақиятли амалга оширилгани ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун Франция Республикасининг граждани тадқиқотчи космонавт Мишель Тоннини Халқлар Дўстлиги ордени билан мукофотлансин.</p> <p>СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ГОРБАЧЕВ.</p> <p>СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ. Москва, Кремль 1988 йил, 21 декабрь.</p>	<p>СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАРМОНИ</p> <p>УРТОҚ М. Ҳ. МАНАРОВАГА «СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ» УНВОНИ БЕРИШ Тўғрисида</p> <p>«Мир» орбитал илмий тадқиқот комплексига космик учини амалга оширилгани учун Уртоқ Муза Хиромонович Манаровага «СССР космонавт-учувчиси» унвони берилсин.</p> <p>СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ГОРБАЧЕВ.</p> <p>СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ. Москва, Кремль 1988 йил, 21 декабрь.</p>
--	---	--	--	--

КОНФЕРЕНЦИЯДАН...

1988 йилда саноат маҳсулотларининг умумий ҳажми 8,5 миллиард сўмликка етди. Беш йилликнинг уч йилда облатининг саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1 миллиард 38 миллион сўмликка ортади.

Кейинги уч йилда 4,7 миллиард сўмлик асосий фондлар, жумладан, «Ангрен» кўмир резези, Олмалик халса заводи, кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон металлургия заводи, Янгийўлдаги «Лаззат» ва Чирчиқдаги «Электротехпром» ишлаб чиқариш бирлашмаларида, «Алгоритм», чинин, лак-бўёқ заводларида, «Средаэлектрорепарат» ва «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаларида янги қувватлар фойдаланишга топширилди.

Бу йил қишлоқ ҳўжалик ялпи маҳсулотини 1,3 миллиард сўмликни ташкил этди. Аграрсаноат комплексини ҳўжаликлари давлатга дон, сабзавот, поллиз, гўшт, туҳум» пилла ва бошқа маҳсулотлар сотиш бўйича беш йилликнинг уч йилги планини ошқориб бакардилар.

Облатининг саноатида 16247 коллектив меҳнатини ташкил этишни бригада пудрат усулида ишламоқда. Уларга барча ишчиларнинг 75 проценти уюшган. 370 та қурилиш-монтаж

ташкilotи ва 34 та трест коллектив ҳам пудрат усулига ўтказилган. Уларда барча қурувчиларнинг 82 проценти ишляпти.

- Колхоз ва совхозлардаги 4427 та бригаданинг 3652 тасида коллектив пудрат жорий этилган. 475 бригада эса янара пудратга ўтди.
- Бугунги кунда облатининг бўйича 118 та корхона ва бирлашма тўла ҳўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида ишляпти. Уларда ялпи саноат маҳсулотининг яримдан кўпроғи ишлаб чиқарилляпти.
- Ҳозир облатининг партия ташкilotига 182,471 коммунист, шу жумладан, 2718 КПСС аъзолнига кандидат бакарлган. 4476 та бошланғич, 5166 та ҳар партия ташкilotлари, 5123 партия гуруҳаси фаолият кўрсатляпти.
- Партия аъзоларининг 67,8 процентдан кўпроғи бевоқиф ва моддий наъматлар ишлаб чиқариш билан банд.
- Коммунистларнинг 29,2 проценти хотин-қизлардир. Уларнинг 3748 нафари бошланғич, ҳар партия ташкilotлари ва партия гуруҳасидаги бошчанлик қилмоқда.
- Облатининг партия ташкilotи ҳисобидеги коммунистлар 85 миллат вакилларидир.

Зарбдор объектларга ҚУВВАТИ 300 МИНГ КИЛОВАТТ ОРТАДИ

1988 йил икхосига етмоқда. Ҳаётимизнинг яна бир йили орта оила кетаётган бу вақт Янги-Ангрен ГРЭСи коллектив учун эсда қоландиган давр бўлади. Шу кунларда ГРЭСнинг 5-энергодоклада суньги қурилиш-монтаж ишлари давом эттирилляпти. Унинг қурилишида йил давомида Иттифоқимизнинг турли бурчакларидан келган 15 га яқин қурилиш-монтаж ташкilotларидан 3,5 минг ишчи ва инженер-техник ходим меҳнат қилди. Бешинчи энергодокдан ташкilotи инженерлик корпуси, мажлис зал ва бошқа маданий-маиший бинолар, шунингдек ремонт базаси ҳам бунёд этилди.

Биз Янги-Ангрен ГРЭСига етиб келганимизда радиоузел таркиби суньги хабарлар эшитиляётган эди:

— Яна бир оралик марра ортада қолди. — радиоузел таркиби уқиллаётган бу хабардаги тантанавор оҳангининг ўзинг суньги марра эгиланишига саноқли кунлари қолгандан далолат беради. — 5-энергодок қозонхона ва трубопроводини ишга туширишдан олдинги тозалаш ишлари икхосига етди. Уттиз беш соат давом этган бу ишлар 18 декабрь кун икхосига етказилгач, қўлаб монтажчи ва соловчиларимиз шу ой ичиде биринчи марта яшанба куни дам олиш имкониятига эга бўлишди.

— Тазминотчиларимиз жиҳозларни ўз вақтида етказиб беришларини учун қурилиш-монтаж ишларининг асосий қисми йилнинг иккинчи ярмига тўғри келди, — дейди бу

ҒАЛАБА РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ғалаба район партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида ташкilotий масала қўрилди.

Қ. Х. Холмираев Андижон облатининг партия комитетининг секретари этиб сайланганлиги муносабати билан пленум унни район партия комитетини бюроси аъзоси ва биринчи секретари вазифадан озод қилди.

Уч номзаддан бири, илгарин шу райондаги Димитров номида колхоз правленияси раиси бўлиб ишлаган Н. М. Мадимов янгири овоз бериш йўли билан кўп овоз олиб Ғалаба район партия комитетини бюро аъзоси ва биринчи секретари этиб сайланди.

Пленумда Тошкент облатининг партия комитетининг иккинчи секретари Р. А. Попов сўзга чиқди.

М. ҚОСИМОВА.

КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ РЕЗОЛЮЦИЯЛАРИДАН:

Қайта қуриш гоилари ва ишларнинг таъсирли равишда қилиниши...

Снэйсий системани ислоҳ қилиш комплекс тусда бўлиб, барча бўғинларни қамраб олиши...

Бюрократизмнинг социал иллатига қарши, социалистик бошқарув аппаратининг юксак сифатли бўлиши учун...

СЎЗ— ДЕЛЕГАТЛАРГА

Евгения Тимофеевна МАРКИНА, Ленин районидagi 33-ўрта мактаб директори

Халқ таълимини такомиллаштириш, мактаб ишини тубдан қайта қуриш даражаси бўлиб қолди...

ЮҚОРИ партия органларига сайланган коммунистлар бандирланган юксак ишончга яраша меҳнат қилишлари...

Мухаммад БЕРДИҚУЛОВ

Ғалаба районидagi «Коммунизм» совхоз механизатори

Совхозимизда пахтакорликни олий мартаба, деб билган кишилар кўп...

Эрдами билан ҳисобот даврида қишлоғимизда 550 ўринли ёзги клуб буюриш...

ИШИГА ҚАРАБ ҚАДРЛАЙМИЗ

XXVII съездида қатнашди, район Советига депутат бўлди...

Сайладик, номзодини юқори партия органларига кўрсатдик...

Уз номинга муносиб бўл

Қайта қуриш системанинг муваффақияти бошланғич партия ташкилотларининг ташкилотчилиги...

Фасини уздай олмади, Шунинг учун ҳисобот-саноат йилида унинг номзоди юқори партия органларига кўрсатилмади...

Уз номинга муносиб бўл

Сиз «Бирлашмада майда ўғирликлар ҳам бўлиб турадими?» деб сўрадингиз...



ЭНЕРГЕТИКАМИЗ МУАММОЛАРИ

ЭНЕРГЕТИКА халқ хўжалигини ривожлантиришда катта ўрни тутаётган муҳим тармоқ...

КОНФЕРЕНЦИЯДАН XXII КОНФЕРЕНЦИЯГА

1987—1988 йиллар давомида 10 мингдан кўпроқ турли йилнинг раҳбарлар бир неча номзаддан сайланди...

Уз номинга муносиб бўл

ШАЪНИМИЗГА ДОҒ ТУШМАСИН

Қайта қуриш системанинг муваффақияти бошланғич партия ташкилотларининг ташкилотчилиги...

АТЕИСТИК ТАРБИЯ ТАЖРИБАСИ

Тошкент область партия конференцияси арасида «Узбекистон» нашриёти «Ислоҳ: эътиқод ва масала» китобини босмадан чиқарди...



Бугунги Тошкент.



А. Зуфаров фотолари.

Ветеран хотираси ОДАМЛАР МЕҲРИНИ ҚОЗОНГАНДИ

Мен узоқ йиллик меҳнат фаолиятим давомида турли феъл-атворли одамларни кўрдим. Баъзилари раҳбарларга ёки, назарга тушиб учун сохта ташаббуслар билан чиқсалар, баъзилар уларнинг кўйи оғзидан чўп олмаган ҳалол кишилар қилиб кўрсатишга уринишарди. Амак кетиб, оддий одамлар қаторига тушганларида эса «Қадрига етишмади, дунё бевафо экан», деб таъна тошин отардилар, узлатта чекинардилар.

Бундай одамлар Усмон Юсуповга ёт эди. Унинг меҳнатидек иродасига, халқпарварлигига, камтарлигига ҳаминша қўйла қолардим. Ахир, у Ўзбекистонга 20 йилдан зиёд раҳбарлик қилди, энг оғир дамларда халқ билан бирга бўлди. Кейинроқ Вобуғутдаги ташаббуслардан ҳам руҳан тушмади, одамларнинг бошини қовуштириб чўлда бўстон ярата олди.

Уни қуролмаган баъзи одамлар Усмон Юсупов амалдан кетгандан сўнг каловлашиб, не қиларини билмай қолди, деб ўйланган эди. Йўқ, у каловлашмади, тақдир зарбасини мардона кутиб олди. Фақат дўстлари, фарзандлари ҳақсизликдан ранжишди. Шундан

да Усмон Юсупов фарзандларига шундай деган эди:

— Шунга айтиш керакки, сизларнинг отангиз халқ, партия олдида ҳаминша виждонли, ҳалол бўлиб келди. Мен коммунистман. Менга янги иш топширдилар. Мен уни бажараман.

Ҳа, Усмон Юсупов ўзини топширилган ҳамма ишнинг виждонан бажарди. У одамларни севарди. Шунинг учун қаерга бормасин, ўшалар ташвиши билан яшади, муҳаббатларини қозонди. Қолоқ сохозиш тиллаб, илғорлар қаторига олиб чиққан Усмон Юсуповга «Шавкатли меҳнатни учун» медал берилди. Ушундан унинг энг юқори лавозимда ҳам, энг куйи вазифада ҳам бирдек масъулият билан ишлашига ҳамма тан берган эди.

Мен Усмон Юсуповни жуда ахши биларман, у билан кўп йиллар бирга ишлаганман. Бундай одамлар дунёга камдан-кам келади.

Ахши эсимда, 1927 йили Тошкентдаги заводлардан бирида ишлардим. Усмон Юсупов бу ерга тез-тез келар, ишчилар билан сўхбатларди. Айниқса, маҳаллий ишларнинг илчи касбини ағдалашларидан у кишининг хизматлари катта бўлганди.

Коллективлаштириш пайтида Усмон Юсупов ўзининг куч-қувватини деҳқонлар бошини қовуштиришга бағишлади, жуда кўп йилларда қатнашди, одамларни социалистик тузум ғалабалари учун курашга даъват этди.

Ушундан кейин Тошкентда аҳвол ташвишли эди: кўнчилик янги тузум моҳиятини тўғри аяглаб етмаган, раҳбарлар эса ўз биланларича иш тутишарди. ВПСС Ўрта Осиё бюросининг раиси бўлиб ишлаган Усмон Юсупов қардош Тошкентга бориб, у ердан ишлар билан танишди. Кейинчалик кўнчи республикага Ўзбекистондан тажрибали коммунистлар юборилди. Улар орасида мен ҳам бор эдим. Биз интернационал бурчимизни бажариб, дўстларимизга катта ёрдам бердик.

1940 йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Мирзатўлини ўзлаштириш тўғрисидаги Ленин декретини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилди. Ана шу қарорга жавобан Фарғона водийсидан кўнчи хўжаликлар чўлга кўчиб келди. Усмон Юсупов бу ишга мени ҳам жалоб этган эди. Тошкентки муваффақиятли бажарганим учун Йўлдош Охунбоев мени пул мукофоти билан таъдирлагани эсимда.

Усмон Юсуповнинг раҳбарлик санъати, маҳорати ва қобилияти машҳур калалар яратганда, Улуғ Ватан уруши йилларида яна ҳам яққол намоён бўлди. У чинакам интернационалист эди. Шу босидан бўлса керак, уни ҳамма бирдек ахши кўрарди.

Мен Усмон Юсуповни Ўзбекистон боғбони, деб атагим келади. У ишларини жойларда мезовор боғлар пайдо бўлди, сувлар шарқираб оқди, меҳнаткаш рўзгорига барака кирди. Шундай улду одамни унутиш мумкин эмас.

Ориф АФЗАЛОВ, партия ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ПУЧ ВАЪДА

КЕЙИНГИ пайтларда бошқарув аппаратини қисқартриш тўғрисида кўп маълумотли биналар турли шифохоналар ва болаларни тарбиялаш муассасаларига бўшатиб бериш ташаббуси кенг қанот баятгани ҳақида матбуотда кўп эзилди.

Областимиз шаҳар ва районларида бу ташаббус кўллаб-қувватланганини, шу пайтгача амалга биналар мана шу мақсадлар учун бўшатиб берилганини кўп ўқиймиз. Аммо, пойтахтимиз — Тошкент шаҳрида ҳали бирорта муассасаларни ёки шифохоналар учун ажратилганини эшитганимиз йўқ.

Бу ташаббус фақат област раёонларига тегишлимики? Ёки шаҳарда ортинки маълумотли биналар қанчалик камми! Умуман, ҳар қандай ташаббус сўзидан эмас, амалда бўлиши, пойтахтимиз бу борда олдинда юришиши истардим.

Ш. УМАРОВА, ҳамшира.

Менга сўз берилса шу ҳақда гапирган бўлар эдим ЧИРЧИҚҚА КИМ ЁРДАМ БЕРАДИ?

ШАҲАРНИНГ 2000 йилгача мўлжалланган уй-жой программасида жами бир миллион 300 минг квадрат метр ҳажмида уй қуриш зарурлиги дунда ва аниқ қилиб белгилаб қўйилган. Бу иш шундай планлаштирилган: ҳар йили сураётини ўртача 10 минг квадрат метр ҳажмида ошириб бориш, 1991 йилдан бошлаб эса йилга 100 минг квадрат метр ҳажмида қуриш керак. Бироқ, 1986 йилдан бери йиллик ўртача кўрсаткич 53—58 минг квадрат метрда ошмапти. Демак, ишда бурилиш бўлмас экан, уй-жой программаси бажарилмади, қорғоқда қолиб кетди.

Қуришнининг сустигига нималар сабаб бўлапти?

Биринчидан, қурилиш материаллари етишмайди. Чирчиқ қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати йиллик панелли уйлар учун 40 минг квадрат метр ҳажмида қисилар тайёрлаб бера олди. Аммо унинг 25 процентининга ўзимизда қолдиришди. Фақат шу сабаб билан шаҳарда 65 минг квадрат метр ўрнига 42 минг квадрат метр уй қуриляпти.

Иккинчидан, 160-қурилиш трести шунинг уйлар қуришни ривожлантирмапти. Ҳозирги куннинг талаби шуки, трест бу соҳадagi суруятни камда 2 баравар ошириши керак.

Мана шу камчиликларнинг ўрнини тўлдириб, уй-жой қуришни жадаллаштириш имкониятлари йўқ эмас, албатта. Бу соҳада бизнинг ўз таҳмини ва мўлжалларимиз бор. Чунки, санат корхоналари ва ташкилотлар томонидан хўжалик йўли билан қуришни ривожлантириб, йилга 10 минг квадрат метр ҳажмида уй-жойларни илчи-хўжаликчиларнинг оилаларига бериб бориш лозим. «Ўзбекиммаш», «Трансформаци» ишлаб чиқариш бирлашмеси, «Промтехмонтаж» бошқармаси ҳозир шундай қилишяпти. Бироқ, «Электромашин» ишлаб чиқариш бирлашмеси, Қийин эрийдиган ва иссиққа чидамал металл комбинати, «Чирчиксельмаш» каби йиллик корхоналар бу ишни ҳали ҳам бошлаганлари йўқ.

Пудратчиларни ташқаридан излаш ҳам катта резервими экинлигини биларимиз. Лекин шаҳримизда корхонаси бўлган ҳамма министрилар ҳам пудратчи вазифасини ўташи хоҳлайвермайдилар. Ҳолбуки, уларнинг кўпчилиги ўз қурилиш бўлимига эга. Масалан, Ўзбекистон ССР Савдо министриги шаҳримизда на уй-жой, на савдо корхонаси қурапти. Машини хизмат министриги эса кейинги ўн йил ичда ҳеч нарса қурмади.

Чирчиқ қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатида йиллик панелли уйлар учун тайёрлаб чиқарилаётган қисмларнинг ҳаммасини ўзимизда ишлаши учун қолдириш ҳам катта резервими эдим. Бу масалада бериш ҳамма амалда эмас, оғизда кўллаб-қувватлашди. Ҳатто, собиқ қурилиш министри Р. Манаников монтаж ишларининг уч смени-

да тўхтовсиз давом этишини таъминлашга сўз берди. Лекин 1989 йил учун капитал қурилиш панини тузишда 160-қурилиш трестига йиллик панелли уйсозлик материаллари 1988 йилдагидан ҳам кам ажратилди.

Уй-жой программасини бажариш йўлидаги энг катта ва мураккаб тўсиқ қурилишлар учун ер йўқлигидир. Шу муносабат билан кўп қаватли баланд уйлар қуришга мажбур эдик. Бироқ булар ҳам эски ва шахсий уйларни бузиб ўрнига қуриляптанди. Ҳамма лойиҳа-смета ҳужжатлари шунга мослаштирилган. Аммо яшагача яроқли уйларни бузмаслик тўғрисида партия ва ҳукумат қарори эълон қилингандан сўнг қурилиш қамайди, лойиҳалар керакисиз бўлиб қолди. Шундан сўнг бор ерларимизни қайтадан ўлчаб, ҳисоблаб чиқдик, бир қарич бўлса ҳам топилиган ерга уй қуришни планлаштиришга киришдик. Маълумки, лойиҳалаш учун лимит бўлмаган, бу ишга кооперативларни жалб этишга имкон йўқ бўлган шароитда молиявий қийинчиликка дуч келиш табиий. Қурилишнинг бошлари комплекс ривожлантиришни Шўхларни асосда комплекс олиб бориш ҳақида эса сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Оржоникидзе район Совети ижроия комитети шаҳарнинг бош панига мувофиқ чегарадан ер ажратиб беришдан қатъий бек тортиди. Бу тўғрисида юқори ташкилотларга бу масалада тўрт йилдан бери мурожаат қиларимиз. Улар аввалига бу масалани ижобий ҳал этишга сўз беришди, лекин яқинда яна рад жавобини олдик, ўз ташвишимиз билан қолвердик.

Область Совети ижроия комитети лойиҳа чегарасидан 121 гектар ер ажратиш ҳақида қарор чиқарганида хурсанд бўлган эдик, лекин битай деб турган ишга яна «кўз тегди». Республика Аграрно-от давлат комитети шундай йўл тутди-ки, оқибатда Министрлар Совети ижроия қарорини тасдиқламади. Бу — 1990 йилга бориб шаҳарда ер йўқлиги сабабли қурилиш батамом тўхтади, деган сўз. Ер бўлмаса, лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳам, уй ҳам, демак уй-жой программаси ҳам бўламайди!

Ўз-ўзидан шундай савол туғилади: кўш, бундай мушкул аҳволдан қандай халос бўлиш мумкин! Бу тилсимларни енчишда бизга ёрдам бера оладиган нажоткор борми? Бу саволларимизга балки, область партия конференциясидан сўнг жавоб топилар...

Н. ШАРИПОВ,
Чирчиқ шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали заллари партия ветеранлари ва ёшлар билан ҳаминша гап-гап бўлади. Бу ерда қизиқарли учрашувлар, сўхбатлар бўлиб ўтапти. Суратда: партия ветеранларидан И. И. Тияпуғни ва И. А. Аҳмадхўжаев Тошкентдаги ҳунар-техника билим юртлири талабаларни давраида.



Биродарлик қонуни билан

700412 СЧЁТИГА

Область пассажирлар ташити трести коллективи ҳам эзилгандан зарар кўрганларга ёрдам бериш мақсадида иккита «ЛА3—562» ва иккита «ПА3—672» маркали автобусларни шунингдек, 56 минг сўм маблағини арманистонлик биродарларимизга жўнатилди.

У. МУҲАМЕДОВ.

Х. Сулаймонов номидagi қўлэмалар институти қошида махсус штаб ташкил этилди. Унга институти ходимлари пул ҳамда керакли кийим-кечекларни топширмақдалар. Бундан ташқари коллектив бир кунлик иш ҳақи — 947 сўмини 700412 счётига ўтказди.

Р. ИНОГОВОВА.

Табий офат тўғрисида арман халқи бошига тушган мушбатни областимиз меҳнат-

кашлари ўз қайғуларни деб билмоқдалар. Барча корхона ва ташкилотларда 700412 счётига кўллаб сўм маблағлар ажратилмоқда. Пойтахт аэропортидан эса бугунги кунда зарур бўлган кийим-кечеклар, озиқ-овқатлар ҳамда техникалар мунтазам равишда жўнатилиб турибди.

Редакциямиз ҳузурида тузилган махсус штаб арманистонлик биродарларимизга кўрсатилаётган ёрдам ҳақида кўллаб хат-хабарлар, телеграммалар олиб турибди. Хусусан, Пискентдан хабар қилишларича, район пахта тозалаш заводи ишчилари шу бугунга қадар 2 минг 500 сўм, 82-автомобил ҳайдовчилари 1 минг 200 сўм, «Гулдистон» колхози меҳнаткешлари 2 минг сўм, 15-районларо кўчма механизациялашган колонна коллективи 3 минг сўм, 3-кўчма механизациялашган колонна курувачилари 3 минг сўм маблағини ёрдам фондига ўтказдилар. Шунингдек, район агро-саноат комплекси ходимлари кесаба союзи 2 минг 100 сўмини эзилгандан зарар кўрган-

Биродарлик қонуни билан

КООПЕРАТОРЛАР—АРМАНИСТОНГА

Сўнгги пайтда областимизда халқ хўжалигининг кўнги не турлари бўйича кооперативлар ташкил қилиниб, хайри ишлар қилинмоқда. Айниқса, байрам кунлари аҳолига «Навбахор» кооператорлари махсулотни кўл келмоқда.

Тошкент райониди ташкил қилинган ушбу кооператив яқиндагина иш бошлаганига қарамай аҳолининг ҳурматига сазовор бўлди. Кооператив аъзолари асосан гулчилик билан машғулдилар. Улар томонидан етиштирилган гуллар нафақат районга, балки мамлакатимизнинг кўнги не шаҳарларининг савдо шохобчаларига ҳам етказиб бериламоқда. Шамсиддин Абдурахмонов бошчилик қилаётган кооперативнинг хайри ишлари кўп. Гулчи кооператорлар Арманистон ССР да эзилса оқибатларини тугатишга ҳам баҳоли кўдрат ҳисса кўшмоқдалар.

— Фоживай ер силкиниши биз — кооператорларнинг қалбларимизни ҳам эриқиратиб

юборди, — дейди Ш. Абдурахмонов. — Шу муносабат билан кооператив аъзоларини зудлик билан тўллаб, ана шу муҳим вазифага бағишлаб митинг ўтказдик. Унда кўнчилик арманистонлик биродарларимизга кўлдан келганча ёрдам беришни таъкидлашди. Кўни кеча биз 1000 сўм маблағни 700412 счётига ўтказдик. Бундан бун ҳам Арманистон халқига ёрдам беришга доимо тайёримиз.

Арманистонда рўй берган эзилса оқибатларини тугатишда барча кишилар фаол иштирок этмоқда. Ҳозирги кунга қадар республикамиз корхона ва ташкилотлари ҳамда аҳолиси томонидан 700412-счёта 25 миллион сўмга яқин пул ўтказилди. Ўзбек халқи арманистонлик биродарларимизнинг 1966 йилдаги эзилса оқибатларини 1966 йилдаги эзилса оқибатларини доимо ёдда сақламоқдалар. Уларга ёрдам бериш умум-халқ ишига айланди.

А. ҲАКИМОВ.

ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ



В. И. Ленин номли Халқлар Дўстлиги концерт залда бўлиб ўтган хайрия концертида Бухоро шаҳрининг «Моҳиситора» фольклор ансамбли, Сурхондарё областининг «Бойсун», Тошкентнинг «Гулбар», Фарғона областининг «Савдо», Ошанликнинг «Судрушк» ва бошқа кўнги не хавасорлик коллективлари билан бир қаторда Ўзбекистон ССР халқ артисти Шерали Жўраев ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рушана Султоновлар иштирок этишди. Маълум концерт-аукцион Тошкент чини заводи усталари ҳамда бухоролик зергарлар ўз ишларини тасвир этдилар. Вестибюлда эса Тошкент Давлат консерваторияси музика аъзолари устаси Абдуноби Абдуғуфоровнинг миллий чолгу асбоблари коллекцияси намойиш қилинди.

Ўзбекистон ССР Маданият министриги ташкил этган ушбу концерт-аукциондан тушган маблағнинг барчаси арманистонлик жабр-дийдаларга жўнатилди.

И. ЯРОЛИН,
Автор фотолари.

Ўрта Осиёда ер ости силкинишлари

21 декабрь кун Москва вақти билан соғт 11 дан 21 минут ўтганда Қирғизистоннинг жанубида эзилса марказида 6 балл куч билан ер

қимирлади. Қирғизистон ССР Фанлар академияси сейсмология институтидан маълум қилишларича, эзилса маркази Фарғона тизма тоғларининг

жануби-ғарбий ён бағрида, Шамолдсий посёлкеси яқинида бўлди.

Дастлабки маълумотларга кўра, посёлкада баъзи биналар шикастланган. Қурбонлар йўқ. Эзилса кучи Тошкўмлар, Учқўрғон (Ўзбекистон ССР) шаҳарларида 5 балл, Жалолобада, Қорақўлда — 4, Уш шаҳрида 3,5 балл бўлган. Иморотлар шикастланмаган. «Тошкент» сейсмик станцияси Ўзбекистон пойтахтида қарийб икки балли ер ости

силкинишини қайд этди. Наманганда ер ости силкиниши кучи 5 баллга, Фарғонда 4 баллга яқин бўлди. Қурбонлар бўлмади ва биналар шикастланмади.

[ТАСС].

СУРАТЛАРДА: хайрия концерти иштирокчилари; Фарғона водийси сўз усталаридан бир гуруҳи.

Редактор Н. НАСИМОВ.